

Тошкент шаҳрида Ислом тараққиёт банки Йиллик анжумани иш бошлади



09:30 / 01.09.2021 1769

Тадбирда Банкга аъзо 57 мамлакатдан 2500 дан ортиқ вакиллар, шунингдек, халқаро ташкилотлар ва тараққиёт институтлари вакиллари қатнашмоқдалар.

Ислом тараққиёт банкининг (ИТБ) асосий вазифаси аъзо-мамлакатларда Ислом дини талабларига мувофиқ бўлган ижтимоий ва иқтисодий тараққиётни қўллаб-қувватлашдир.

ИТБ аъзо-мамлакатларда қашшоқлик даражасини пасайтиришга кўмаклашиш, савдо-иқтисодий ҳамкорликни ривожлантириш, меҳнатга яроқли аҳолиси учун таълим дастурлари ва тадқиқотларни ташкил этиш, фавқулодда ҳолатларда ёрдам кўрсатиш, ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича бошқа турли дастурларни амалга ошириш билан

шуғулланади.

Видеони кўриш учун - <https://t.me/islomuz/20692>

Манба: Azon.uz